

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВА ИНОБАТ ЖЎРАЕВНА**

**СУҒОРИЛАДИГАН АРЗИҚЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ  
УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13 - Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологических наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
biological sciences**

**Рўзиева Инобат Жўраевна**

Суғориладиган арзиқли тупроқларнинг унумдорлигини баҳолаш  
(Фарғона вилояти мисолида)..... 5

**Рузиева Инобат Жураевна**

Оценка плодородия орошаемых арзычных почв (на примере  
Ферганской области)..... 21

**Ruzieva Inobat Jurayevna**

Assessment of fertility of irrigated arzik soils (on the example of Fergana  
region) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВА ИНОБАТ ЖЎРАЕВНА**

**СУҒОРИЛАДИГАН АРЗИҚЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ  
УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13 - Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/B261 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида (ТАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўзиев Рамазан**

биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Гулом**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор  
Фарғона давлат университети

**Намозов Хушвақт**

биология фанлари номзоди, профессор  
Тошкент давлат аграр университети

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-09-50; факс: (998) 71-246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz))

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ №\_\_ - рақамли баённомаси)

**Н.М.Ибрагимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш мажлиси раиси, к.х.ф.д., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

**М.М.Тошқўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда иқлим ўзгариши, ер ресурслари деградацияси каби муаммолар сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарблигича қолмоқда. Жумладан, таркибида гипс мавжуд бўлган тупроқларнинг деградацияси қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда катта муаммолардан бири ҳисобланади. Халқаро ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра, «дунёда 186,0 миллион гектар гипсли тупроқлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон тупроқ қопламнининг 1,5% ини ташкил этади»<sup>1</sup>. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида гипсли ва арзиқли тупроқлардан самарали фойдаланиш учун бундай қийин мелиорацияланувчи тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, унумдорлигини баҳолаш орқали экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнлари таъсирини камайтириш, унумдорлигини тиклаш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олиш, оқибатларини камайтириш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қийин мелиорацияланувчи тупроқларни аниқлаш, улар профилларида гипс ва арзиқ тўпланиши ва ўсимликларга таъсир даражасини башоратлаш, тупроқларни гипслашганлик картограммаларини тузиш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган технологияларини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқотларни амалга оширишга аълоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларида арзиқли ва гипслашган тупроқлар генезиси, географик тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, уларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқариш мақсадида тупроқларнинг агрохимёвий, агрофизикавий хоссаларини, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ишлаб чиқариш қобилиятини яхшилаш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унумсиз, қийин мелиорацияланувчи арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, унумдорлигини қайта тиклашга қаратилган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гипслашган тупроқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, кимёвий ва сув-физикавий хоссалари ҳамда гипслашганлик даражаси ва гипсли горизонтларнинг тупроқ профилида жойлашиш чуқурлигининг ғўзани ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири масалалари бўйича бир қатор олимлар В.В.Егоров, А.Н.Розанов, Н.Г.Минашина, В.А.Молодцов, О.К.Комилов, В.Ю.Исоқов, Р.Қ.Қўзиёв А.У.Ахмедов, А.Мақсудов, Ғ.Юлдашев, С.Тожибоев, А.Ж.Исманов, Д.Холдаров, У.Б.Мирзаев, М.Т.Исағалиев, А.Т.Турдалиевлар ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, қийин мелиорацияланувчи арзиқли ва гипслашган тупроқларни хосса-хусусиятларини аниқлаш орқали унумдорлик даражасини белгилаш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимиё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА7-003 «Республика суғориладиган зона тупроқ қопламани комплекс ўрганиш, уларни баҳолаш ҳамда деградацияга учраган тупроқлар экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ва № 2017 - 1-сон «Фарғона вилояти Марказий Фарғона худуди туманларидаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқларини баҳолаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Фарғона худудларида тарқалган арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва унумдорлик даражасини аниқлаш, баҳолаш, маҳсулдорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вилоятнинг Марказий Фарғона худудларидан танлаб олинган таянч хўжаликлардаги суғориладиган арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг шаклланиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

тупроқларнинг морфогенетик тузилиши, кимёвий ва агрокимёвий хоссаларини аниқлаш;

арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг айрим хоссалари билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўртасида коррелятив боғлиқликни аниқлаш;

танланган массивларнинг гипсли ва арзиқли суғориладиган тупроқларнинг балл бонитетларини аниқлаш, уларнинг тупроқ ва тупроқ сифатини баҳолаш карталарини тузиш;

Фарғона вилояти суғориладиган гипсли ва арзиқли тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Марказий Фарғонанинг аллювиал-пролювиал ётқиқиқларида шаклланган, арзиқли ва гипслашган ўтлоқи, ўтлоқи-саз ва чўл-ўтлоқи тупроқлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида турли даражада шўрланган, гипслашган тупроқлар, уларнинг морфогенетик тузилиши, механик таркиби, гумус ва озика элементлари, коррелятив боғлиқликлар, тупроқларнинг сифат баҳоси тупроқ ва тупроқ сифатини баҳолаш карталари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва камерал тадқиқотларини бажаришда, генетик-географик ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланилди. Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ЎзПИТИ институтларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда, жумладан «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» ва «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма», «Методы химических анализов почв и растений» асосида амалга оширилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов тенгламаси ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Марказий Фарғонада тарқалган арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг шаклланиши, морфогенетик хосса ва хусусиятлари очиб берилган;

шўрланиш жараёнларининг жадаллик даражаси, тупроқ профилидаги тузлар миқдори ва заҳиралари аниқланган;

арзиқли ва гипслашган тупроқларидаги гумус миқдори билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўртасида коррелятив боғлиқлик аниқланган;

арзиқли ва гипслашган горизонтларнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ ҳолда тупроқларнинг сув ўтказувчанлик ва сув сиғимининг ёмонлашиши, зичлигининг ошиши, гумус ва асосий озика элементларининг камайиши исботланган;

таянч массивлар арзиқли ва гипслашган тупроқлари сифат жиҳатидан баҳоланган ва унумдорлик даражаси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Фарғона ҳудудларидан танланган таянч массивларни 1:10000 масштабни тупроқ сифатини баҳолаш карталари ишлаб чиқилган;

«Хонобод» массиви мисолида ҳудуддаги мавжуд суғориладиган турли даражада шўрланган, арзиқли ва гипслашган тупроқларни хосса ва хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгилаш мақсадида, суғориладиган ерларининг 1:10000 масштабли тупроқ картаси тузилган;

Фарғона вилояти суғориладиган гипсли ва арзиқли тупроқларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларнинг дала, лаборатория ва камерал усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, натижалар статистик таҳлил қилинганлиги ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, маълумотларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларида чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Фарғонада тарқалган арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг пайдо бўлиш шароитлари, морфогенетик хосса-хусусиятлари аниқланган, тупроқ қатламларидаги гумус ва озика элементлар ҳамда тузлар миқдори ва заҳираларини ҳисобланганлиги, арзиқли ва гипслашган горизонтларнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ ҳолда тупроқларнинг сув ўтказувчанлик ва сув сиғимининг ёмонлашиши, зичлигининг ошиши, гумус ва асосий озика элементларининг камайиши исботланганлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудлар учун тузилган тупроқ ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталарида ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларда келтирилган маълумотлар арзиқли, гипсли тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда бундай ерлардан самарали фойдаланиш, кишлок хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона вилояти ҳудудларидаги суғориладиган арзиқли тупроқларнинг унумдорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фарғона вилояти суғориладиган гипсли ва арзиқли тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар» Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 7 июлдаги 03-05-5619-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар Марказий Фарғона



худудларидаги деградация жараёнлари таъсирида бўлган, қийин мелиорацияланувчи тупроқларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва мунтазам равишда қайта тиклашга қаратилган тадбирлар белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Ёзёвон тумани “Тулистон” ва “Қоратепа” массивларидаги 4775,0 гектар, Олтиариқ тумани “Тонг” массивидаги 1137,8 гектар суғориладиган тупроқларининг 1:10000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш карталари массивлар худудидаги фермер хўжаликлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар амалиётига жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат 2019 йил 07 июлдаги 03-05-5619-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, унумдорлик даражасига қараб ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш, тупроқнинг унумдорлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш ва ҳосилдорлигини белгилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Ёзёвон тумани “Ҳонобод” массивидаги 1584,0 гектар суғориладиган ерларнинг 1:10000 масштабли тупроқ картаси амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат 2019 йил 07 июлдаги 03-05-5619-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар худуддаги мавжуд суғориладиган турли даражада шўрланган, арзиқли ва гипселашган тупроқларни хосса ва хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган бўлиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ

қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Арзиқли ва гипсли тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хориж илмий манбалари, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, интернет саҳифаларидан олинган диссертация мавзусига оид маълумотлар келтирилган. Адабиётлар талқини ва тадқиқот натижаларининг атрофлича таҳлили асосида, маълум шароитларда шаклланаётган арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, унумдорлик даражасини белгилаш, баҳолаш, арзиқли ва гипслашган тупроқларининг айрим хоссалари билан, қишлоқ хўжалик экинлари ўртасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш борасида илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Марказий Фарғонада гипсли ва арзиқли тупроқларнинг шаклланиш шароитлари, тадқиқот объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Марказий Фарғонанинг географик жойлашиш ўрни билан боғлиқ бўлган табиий ва инсон-хўжалик, геологик, литологик-геоморфологик, гидрогеологик, иқлим шароитлари, ўсимлик қоплами ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига инсон фаолиятининг таъсири атрофлича ёритилган.


Фарғона вилояти республикамизнинг шарқида жойлашган бўлиб, жанубдан шимолга томон пасайиб боради. Фарғона вилояти субтропик чўл ва чала чўл зонасига мансуб бўлиб, қиши совуқ ва илиқ кунлар билан тез-тез алмашиб туради. Марказий Фарғонанинг рельефи мураккаб бўлиб, учта генетик: эрозион-аккумулятив, аккумулятив ва эол-аккумулятив типларга бирлаштирилган. Вилоятнинг шимолий чегараси бўйлаб Сирдарё оқиб ўтади. Марказий Фарғона ерлари, ён атрофдан оқиб келувчи тоғ дарёлари келтирган турли хил жинслар билан тўлдирилган. Водийнинг марказий қисми асосан аллювиал-пролювиал, кўл-ботқоқлик ётқизиқлар – қум, лой, қумоқ ва қум – тошли чўкинди жинслар ва умуман келтирилган жинслар билан тўлган. Инсон омили таъсирида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириладиган, юқори унумдорликка эга бўлган «маданийлашган янги тупроқлар»ни шакллантирганлар.

Тадқиқот объекти Марказий Фарғонанинг аллювиал-пролювиал ётқизиқларида шаклланган, арзиқли ва гипслашган ўтлоқи, ўтлоқи-саз ва чўл – ўтлоқи тупроқлари ҳисобланади. Дала ва камерал тадқиқотларини бажаришда, генетик-географик ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланилган.


Диссертациянинг «**Таянч массивлар ҳудудида ўрганилган тупроқларининг тавсифи**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот амалга оширилган ҳудуд тупроқлари морфологик кўрсаткичларига кўра ҳудуд тупроқлари қуйидаги асосий морфологик белгилари билан ажралиб туриши қайд этилган. Марказий Фарғона аллювиал текисликлар райони бўлиб, тадқиқот ўтказилган ҳудуд Марғилонсой ва Файзиободсой ёйилмаларининг

аллювиал-пролювиал ётқизикларидан ташкил топган. Тупроқ ранги кўкиш кулранг ва кулранглиги, гумус қатламининг нисбатан қисқалиги, тупроқ профилида майда туз кристаллари ва CO<sub>2</sub> карбонатларнинг ифодаланганлиги, арзиқли ва гипслашган қатламларнинг учраши, микроагрегатларнинг ривожланганлиги билан биргаликда, қуйи томон тупроқ зичлашганлиги кузатилади.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар аллювиал-пролювиал ётқизикларда шаклланган, Марғилонсой ёйилмасининг ташқи қисми бўлиб, механик таркибига кўра, асосан қум, қумлоқ ва енгил қумоқ, қуйи қатламлари айрим кесмаларда ўрта қумоқли механик таркибдан иборат бўлиб, физик лой (< 0,01 мм) заррачалари миқдори тупроқ профилида 2,2-38,1 % оралиғида тебраниб, майда қум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади. Уларнинг миқдори тупроқ қатламларида мос равишда 14,4-53,0 % ва 15,1-33,7 % ни ташкил этиб, ўртача чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари 1,1-34,1 % ни ташкил этади, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачалари 0,6-12,8 %, ил заррачалари миқдори 0,4-9,4 % ни ташкил этади. Массив тупроқлари асосан, кучсиз шўрланган айирмалардан иборат бўлиб, тупроқ профилидаги тузлар миқдори қуруқ қолдиқ бўйича 0,490 - 0,985 % ни, ташкил этади. Шўрланиш химизми барча ҳолатларда (1, 26, 52-кесмаларда) сульфатлидир. Гипс миқдори, ҳайдалма қатламда (30 см) 6,68 – 12,67 % ни, қуйи қатламлар томон 10,63-13,0 % ни ташкил этиб, сувда осон эрувчи тузлар захирасининг кесмалар бўйича миқдорий кўрсаткичлари қисқа ораликда тебраниб, устки 0-1 метрлик қатламда 88,90 – 273 тоннани, шундан ҳайдалма қатламда гектарига 29,82-39,06 тоннани ташкил этган (1-расм).



**Гулистон массиви**




**Тонг массиви**


**1-расм. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг 0-1 метр қатлам учун умумий туз захиралари, т/га**

Бу тупроқларда гумус миқдори кенг ораликда тебраниб, унинг энг юқори кўрсаткичлари 0,92-1,01 % миқдорида кузатилса, энг кам миқдорлари 0,52-0,76 % ораликларида тебраниб, ялпи азот -0,042-0,065%, фосфор- 0,15-0,30 %, калий-0,80-1,68% ни ташкил қилади. Устки ҳайдалма қатламидаги ҳаракатчан азот миқдори 10,2-16,5 мг/кг, фосфор 11,0-18,5 мг/кг, калий 72-96 мг/кг оралиғида кузатилиб, бу тупроқлар ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан жуда кам таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

Ўрганилган ўтлоқи тупроқлардаги CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори тупроқ профилида 5,98-8,48% миқдорий кўрсаткичларида қайд қилинди. Гумус таркибидаги углероднинг умумий азот миқдорида бўлган нисбати устки ҳайдалма қатламларда (0-30 см) 8,3-9,4; пастки қатламларда 7,4-8,0 оралиғида кузатилади. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларидаги 0-30 см ли қатлам учун гумус захираси, гектарига 28,56-42,42 тоннани ташкил этади (2-расм).



**Тонг массиви**



**Гулистон массиви**

**2-расм. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлардаги 0-30 см ли қатлам учун гумус захираси, т/га**



Ўрганилган ўтлоқи тупроқлардаги CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори тупроқ профилида 5,98-8,48% миқдорий кўрсаткичларида қайд қилинди. Гумус таркибидаги углероднинг умумий азот миқдорида бўлган нисбати устки ҳайдалма қатламларда (0-30 см) 8,3-9,4; пастки қатламларда 7,4-8,0 оралиғида кузатилади. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларидаги 0-30 см ли қатлам учун гумус захираси, гектарига 28,56-42,42 тоннани ташкил этади (2-расм).

Тупроқлар сингдириш сифими ва сингдирилган асослар (катионлар) таркиби, уларнинг кўп хоссаларини, жумладан, тупроқни унумдорлик даражаси ва ишлаб чиқариш қобилиятини белгилайди, сингдирилган натрийни юқори миқдори эса (>10%) тупроқда шўртобланиш жараёнини келтириб чиқаради. Ўтлоқи тупроқларда 100 г тупроқда 13,25-14,70 мг-экв.ни, пастки қатламларда 10,34 мг-экв.ни ташкил этади. Сингдирилган асослар таркибига кўра, ишқорий ер металлари билан тўйинган тупроқларга мансуб бўлиб, сингдирилган кальцийнинг миқдори 43,54-51,00 % ни, сингдирилган магнийнинг миқдори эса 42,49-53,06 % ни, калий миқдори 1,16-1,98% ни ташкил этади. Кўпчилик ҳолатларда сингдирилган натрий миқдори калийдан кўп, шундай бўлсада шўртобланиш даражасигача бориб етмаган унинг миқдори 2,24-4,53 % ни ташкил қилади.

Суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқлар чўл зонасида дарё конус ёйилмаларида ҳамда қадимги аллювиал текислик районларида шаклланган. Механик таркиби 0-50 см гача бўлган қатламлари кум, кумлоқ ва енгил, пастки қатламлар енгил ва ўрта кумоқлар билан алмашади, физик лой заррачаларининг (<0,01 мм) миқдори ҳайдалма қатламда 4,6-13,6% ни, ҳайдалма ости ва қуйи горизонтларда 9,6-31,9 %, гача бўлган ораликда

тебраниб ил заррачаларининг миқдори эса 0,2-3,6% ни ташкил этади. Сувда осон эрувчи тузлар миқдори 1,095-1,435 % кўрсаткичлари оралиғида тебраниб туради, хлор ионининг миқдори 0,011 – 0,042 % ни ташкил этади. айрим кесмаларда 28 – 48 см ҳайдов қатламидаги сувда осон эрувчи тузларнинг ялпи миқдори 0,860 % ни, хлор ионининг миқдори 0,014 % ни ташкил қилиб, кучсиз шўрланган тупроқлардан иборат, бошқа кесмаларда ўртача шўрланган тупроқлар, шўрланиш типи барча кесмаларда сульфатли. Гипс миқдори юқори қатламларда 5,31-19,94 % бўлса, қуйи қатламларда бу кўрсаткич 6,61 – 9,97 % ни ташкил қилади. 0-1 метр қатлам учун умумий туз захиралари 153,3 тоннадан 209,3 тоннагача, шундан ҳайдалма қатламда гектарига 46,41 – 52,08 тоннани ташкил этади (3-расм).

Чўл-ўтлоқи тупроқларининг устки ҳайдов ва ҳайдов ости қатламидаги гумус миқдори кенг ораликда тебраниб, энг юқори кўрсаткичлари 1,19-1,43 %, умумий азот 0,047-0,093 %, фосфор-0,20-0,35% калий-0,78-1,56% ни ташкил этади. Ҳаракатчан азот миқдори 11,3-19,2 мг/кг, фосфор 12,0-22,0 мг/кг, калий 48-208 мг/кг ни ташкил этиб, бу ўрганилган чўл-ўтлоқи тупроқлар ҳаракатчан азот ва фосфор билан жуда кам (0-15) ва кам (16-30 мг/кг), алмашинувчи калий билан ҳам жуда кам (0-100), кам (100-200) ва ўртача (201-300 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади. Карбонатлар (CO<sub>2</sub>) миқдори кесма қатламларда 6,21-9,74 % ни ташкил этади. Гумус таркибидаги углероднинг умумий азот миқдорига бўлган нисбати устки қатламларда (0-55 см) 7,8-8,42 , пастки қатламларда 5,8-6,2 оралиғида кузатилади. 0-30 см ли қатлам учун гумус захираси, ҳайдалма қатламда гектарига 52,08-60,06 тоннани ташкил этади (3-расм).




**3-расм. Ёзёвон тумани «Қоратепа» массиви суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқларидаги умумий туз (0-1 м) ва гумус (0-30 см) захиралари, т/га**

Сингдирилган катионлар йиғиндиси суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 12,83-14,03 мг-экв.ни, пастки қатламларда 10,20-12,00 мг-экв.ни, Сингдирилган асослар таркибига кўра, ишқорий ер металлари билан тўйинган тупроқларга мансуб бўлиб, сингдирилган кальций ва магний катионлари етакчилик қилгани ҳолда, сингдирилган катионлар йиғиндисидан натрийнинг улуши мос равишда, 1,85-2,25 % га тенг бўлиб, шўртобланмаган гуруҳга мансуб.

Суғориладиган ўтлоқи-саз тупроқлар аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган Марғилон-Файзиобод ёйилмаси чекка ва ўрта қисмларида шаклланган. Тупроқлар механик таркибининг таҳлилий кўрсаткичларига кўра, физик лой заррачаларининг миқдори ( $< 0,01$  мм) тупроқнинг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 14,6-36,0 % ни, қуйи горизонтларда эса 8,0-12,9 % атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда йирик чанг заррачалари (0,05-0,01 мм) устунлик қилиб, уларнинг миқдори тупроқ профили бўйлаб 33,7-63,8 % оралиғида кузатилади, ил заррачаларининг миқдори эса 0,4-6,2 % ни ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи-саз тупроқлари кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар гуруҳига мансуб бўлиб, тупроқ профилидаги умумий тузлар миқдори 0,850 – 0,900 % гача бўлган миқдорий кўрсаткичларда кузатилади шундан, хлор – иони миқдори 0,014 % ни, ўртача шўрланган тупроқларда умумий тузлар миқдори 0,920 – 1,340 % кўрсаткичлар оралиғида тебраниб, хлор – иони миқдори 0,010–0,024 % ни ташкил этади. Шўрланиш типи барча кесмалар бўйича сульфатлидир. Гипс миқдори 30 см лик қатламда 6,37-19,0 % бўлса, қуйи қатламларда 12,78-18,58 % гача етганини кузатишимиз мумкин. Ўтлоқи – саз тупроқларидаги 0-1 метр қатлам учун умумий туз захиралари 142,8-156,80 тоннани, шундан ҳайдалма қатламда гектарига 35,70-45,57 тоннани ташкил этади (4-расм).

Гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида ўртача 1,25-1,47 %, умумий азот 0,080-0,091 %, фосфор-0,26-0,36%, калий 1,52-2,05% ни ташкил этиб, ҳаракатчан азот миқдори 8,6-21,2 мг/кг, фосфор 10,0-16,5 мг/кг, калий 72-120 мг/кг ни ташкил этиб, ҳаракатчан азот ва фосфор ҳамда



**4-расм. Қўштепа тумани «Катгаболтакўл» массиви суғориладиган ўтлоқи – саз тупроқларидаги умумий туз (0-1 м) ва гумус (0-30 см) захиралари, т/га**


алмашинувчи калий миқдорларига кўра, жуда кам ва кам таъминланган тупроқлар гуруҳига киради. Карбонатлар ( $CO_2$ ) миқдори кесма профилида ўртача 6,84-9,84% ни ташкил этади. Гумус таркибидаги углероднинг умумий азот миқдорига бўлган нисбати устки қатламларда (0-55 см) 8,4-9,5 пастки қатламларда 8,5-8,6 оралиғида кузатилади. 0-30 см ли қатлам учун гумус захираси 57,96-61,74 тоннани ташкил этади (4-расм).

Диссертациянинг «**Арзиқли суғориладиган тупроқларнинг хоссалари билан ўсимлик ҳосилдорлиги ўртасида коррелятив боғлиқликлар**» деб номланган тўртинчи бобида Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа туманларида тарқалган ўтлоқи, ўтлоқи-саз, чўл-ўтлоқи тупроқларнинг хоссалари билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги коррелятив боғланишлар ёритилган. Тадқиқот ўтказилган ўтлоқи, ўтлоқи-саз, чўл-ўтлоқи тупроқлар гумус миқдори ва ғалла ҳосилдорлиги бўйича математик-статистик таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, корреляция коэффиценти ўтлоқи тупроқларда 0,89 ни; ўтлоқи-сазда 0,81 ни; чўл-ўтлоқида 0,79 ни ташкил қилади, демак, хулосага кўра, тадқиқот олиб борилган суғориладиган арзиқли тупроқлар шароитида гумус миқдори билан олинган ҳосил ўртасидаги алоқадорлик яхши, яъни гумус миқдори ортиши билан ғўза ҳосили ҳам ортиб бориши кузатилади.


Диссертациянинг «**Арзиқли, гипсли тупроқларнинг унумдорлигини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида, суғориладиган тупроқларни сифат жиҳатдан баҳолашда натижалари келтирилган бўлиб, баҳолашда унинг механик таркиби, шўрланиш даражаси ва типлари, тошлоқлиги, гипслашганлиги, арзиқли қатламлар, гумус, озика элементлари билан таъминланганлиги ва бошқа бир қатор хоссалари эътиборга олинади. Юқорида келтирилган пасайтирувчи коэффицентлардан фойдаланиб, ўрганилган тупроқларнинг унумдорлик даражасини 100 балли ёпиқ шкала бўйича баҳоланди.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар. Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Тулистон” массивининг жами ер майдони 908,44 га гектар бўлиб, шундан суғориладиган ерлар майдони 805,83 гектарни ва ташкил этади. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги тупроқларнинг кам ўзгарувчан хоссаси бўйича механик таркибига боғлиқ бўлади. Суғориладиган деҳқончиликда тупроқда кечадиган жараёнлар ўзгарувчан ҳисобланиб, тупроқларнинг кўпинча хоссалари қисқа вақт давомида ўзгаради. Баҳолашда кам ўзгарувчан ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги билан бевосита боғлиқ хоссаси ҳисобга олинади. Суғориладиган деҳқончиликда тупроқларнинг бундай хусусияти механик таркиби ҳисобланиб, тупроқнинг унумдорлигини белгилайди.

Ўрганилган “Тонг” массивининг янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи тупроқларнинг 5,2 фоизи қумли, 60,30 фоизи қумлоқли, 23,41 фоизи енгил қумоқли, 11,08 фоизи ўрта қумоқли механик таркибдан ҳамда “Тулистон” массиви тупроқларнинг 30,89 фоизи қумли, 63,28 фоизи қумлоқли, 5,8 фоизи енгил қумоқли механик таркибдан иборат (5-расм).




“Тонг” массиви




“Гулистон” массиви

**5-расм. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби бўйича майдонлари, % ҳисобида**

Таҳлилларга кўра кумлоқли тупроқлар ўрганилган массивда катта майдонларни эгаллайди. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари, ўрганилган худуд тупроқларида кузатилган ҳолда, “Гулистон” массиви турли даражада шўрланган майдонлар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 97,30 фоизини ташкил этади. Шундан кучсиз шўрланган ерлар майдони 91,67 % ини, ўртача шўрланган, 5,72 % ни , шўрланмаган майдонлар эса, 2,60 % ни ташкил этади ҳамда “Тонг” массиви суғориладиган ерларнинг 83,95 % ни ташкил этади. Шундан шўрланмаган ерлар 16,04 фоиз, кучсиз шўрланган ерлар 82,32 фоизни, ўртача шўрланган ерлар 1,63 фоизга тенг (6-расм)



“Гулистон” массиви



“Тонг” массиви

**6-расм. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг шўрланганлик даражаси бўйича майдонлари, % ҳисобида**

Шундан кучсиз даражада шўрланган тупроқлар ўрганилган массивда катта майдонларни эгаллайди.

Гулистон массиви суғориладиган ўтлоқи тупроқлар аллювиал-пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган. Марғилонсой ёйилмасининг ташқи қисмида тарқалган. Бу тупроқларнинг унумдорлиги ва потенциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, сифати бўйича ўртачадан паст ва ўртача ерлар кадастр гуруҳига бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳ (III-IV синф)- сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар, бонитет балли 21-40 баллни ер майдони 12,62 гектар;

Иккинчи кадастр гуруҳ (V-VI синф) сифат жиҳатидан ўртача ерлар, бонитет балли 41-60 баллни ер майдони 793,21 гектарни ташкил этади.



Массивда тарқалган 805,83 га ўтлоқи тупроқлар ўртача 46,7 балл билан баҳоланди.

Тонг массиви аллювиал-пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган Олтиариқсой ёйилмасининг атрофида суғориладиган ўтлоқи тупроқлар тарқалган бўлиб, тадқиқотлар натижалари асосида тупроқлар унумдорлиги баҳоланди. Бу тупроқларнинг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, сифати жиҳатидан иккита – ўртачадан паст ва ўртача ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди.


Биринчи гуруҳ (III-IV синф)- сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар, бонитет балли 21-40 баллни ер майдони 1055,99 гектар ёки 90,40 % ни;

Иккинчи кадастр гуруҳ (V-VI синф) сифат жиҳатидан ўртача ерлар, бонитет балли 41-60 баллни ер майдони 112,11 гектар ёки 9,60 % ни.

Массивда тарқалган 1168,10 га ўтлоқи тупроқлар ўртача 39 балл билан баҳоланди.

Суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқлар. Ёзёвон тумани “Қоратепа” номли массивнинг жами ер майдони 1190,3 гектарни, шундан суғориладиган ер майдони 656,2 гектарни ташкил этади. Тумандаги суғориладиган тупроқларнинг 44,40 фоизи қумлоқли, 55,61 фоизи қумли (7-расм).

Тупроқларнинг унумдорлигини пасайтирувчи омил шўрланиш жараёнлари бўлиб, кучсиз шўрланган тупроқларнинг майдони 44,50 % ни ўртача шўрланган 55,51 % га тенг (7-расм).



**7-расм. Суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқларининг механик таркиби ва шўрланганлик даражаси бўйича майдонлари, % ҳисобида**

Массивда аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган қадимги аллювиал текислигида суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Бу тупроқларнинг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, сифати бўйича ўртачадан паст ва ўртача ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди:

Биринчи гуруҳ (III-IV синф)- сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар, бонитет балли 21-40 баллни ер майдони 532,87 гектар ёки 81,21 % ни;


Иккинчи кадастр гуруҳ (V-VI синф) сифат жиҳатидан ўртача ерлар, бонитет балли 41-60 баллни ер майдони 123,33 гектар ёки 18,79 % ни.

Массивда тарқалган 656,2 га чўл-ўтлоқи тупроқлар ўртача 47 балл билан баҳоланди.

Қўштепа тумани “Катта болтақўл” массиви тупроқларининг умумий ер майдони 937,15 гектарни, шундан суғориладиган ерлар майдони 717,82 гектарни ёки 75,60 фоизини ташкил қилади.

Массивдаги суғориладиган тупроқларнинг 218,01 гектар ёки 30,37 фоиз қумли, 118,5 гектар ёки 16,51 фоиз қумлоқли, 253,66 гектар ёки 35,34 фоиз енгил қумоқли, 127,65 гектар ёки 17,78 фоиз ўрта қумоқли механик таркибдан иборат (8-расм). Енгил қумлоқли механик таркибли тупроқлар кенгроқ майдонни эгаллайди.

Тупроқ унумдорлигининг пасайишига таъсир қилувчи яъна бир омил шўрланиш даражаси асосий ўринни эгаллайди. Ўрганилган массив тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, кучсиз шўрланган ерлар майдони 50,10 фоиз, ўртача шўрланган ерлар 49,90 фоизга тенг (8-расм).



**8-расм. Суғориладиган ўтлоқи-саз тупроқларининг механик таркиби ва шўрланганлик даражаси бўйича майдонлари, % ҳисобида**

Ўрганилган массивда суғориладиган ўтлоқи-саз тупроқлар тарқалган бўлиб, тадқиқот натижалари асосида уларнинг унумдорлиги баҳоланади.

Ўтлоқи-саз тупроқлар аллювиал-пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган, Марғилон-Файзиобод ёйилмасининг ўрта ва чекка қисмларида тарқалган. Бу тупроқларнинг унумдорлигини ва потенциал имкониятларини ҳисобга олиб, сифат жиҳатидан ўртача ва яхши ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди:

Биринчи гуруҳ (V-VI синф)- сифат жиҳатидан ўртача ерлар, бонитет балли 41-60 баллни ермайдони 417,77 гектар ёки 58,20 % ни;

Иккинчи кадастр гуруҳ (VII-VIII синф) сифат жиҳатидан яхши ерлар, бонитет балли 61-80 баллни ермайдони 300,05 гектар ёки 41,80 % ни;

Массивда тарқалган 717,82 га ўтлоқи-саз тупроқлар ўртача 53 балл билан баҳоланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Фарғона водийси худудида қийин мелиорацияланувчи гипсли тупроқлар майдони 150 минг гектарни, арзиқли тупроқлар 134 минг гектарни ташкил қилади, уларнинг асосий тарқалиш худуди Марказий Фарғона ерларига тўғри келади. Бундай тупроқлар турли литологик-геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-иқлим, ўзгача геокимёвий жараёнлар шароитида шаклланган бўлиб, ўзларининг агрокимёвий, агрофизиковий хоссалари, гипс

ва карбонатларнинг миқдори, унумдорлик даражаси, мелиоратив ҳолати, ҳамда агротехник-агромелиоратив тадбирларга бўлган талабига кўра ҳудуддаги бошқа тупроқлардан сезиларли фарқланади.

2. Ўтлоқи, чўл-ўтлоқи ва ўтлоқи-саз тупроқларининг механик таркиби асосан кум, кумлоқ ва енгил кумоқлардан, пастки қатламлар ўрта кумоқлардан ва алмашилиб келувчи кичик қатламли енгил кумоқ, кумлоқ ва кумлардан иборат бўлиб, физик лой заррачаларининг ( $< 0,01$  мм) миқдори енгил тупроқларда 2,9-4,5 % дан 21,2-28,8 % гача ораликда тебраниб, ўрта механик таркибли тупроқларда 31,1-40,1 % ни ташкил этади, ил заррачалари миқдори 0,6-2,2 % дан 7,8-8,6 % гача миқдорларда кузатилади.

3. Тупроқнинг шаклланишида, ривожланишида ва унумдорлигида гумус ва озиқа элементлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни миқдори ва 0-30 см қатламдаги захараси ҳудудларнинг табиий шароитларига боғлиқ ҳолда, ўтлоқи-саз тупроқлардан ўтлоқи тупроқлар томон камая боради. Озиқа элементлари – ҳаракатчан азот ва фосфор миқдорига кўра ўтлоқи ва ўтлоқи-саз тупроқлари жуда кам алмашинувчи калий миқдорига кўра эса жуда кам ва кам таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

4. Тупроқлардаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори кенг ораликда тебраниб, ҳайдалма қатламларда унинг миқдори Ёзёвон тумани тупроқларида 0,710-1,240 % ни, Олтиариқ тумани тупроқларида 0,445-1,335% ни, Қўштепа тумани тупроқларида 0,850-1,085 % ни ташкил этади. Тупроқлар профилидаги сувда осон эрувчи тузларнинг максимал миқдори 1,400-1,495 % ни ташкил этади. Тупроқларнинг устки илдиз қатламли (0-1 м) учун ҳисобланган тузлар захираси “Тонг” массиви суғориладиган тупроқларида гектарида 110,6 тоннани ташкил этиб, ўтлоқи-саз ва чўл- ўтлоқи тупроқларга қараганда тузлар захираси камлиги билан изоҳланади.

5. Тупроқлар унумдорлиги ва маҳсулдорлик даражасини белгиловчи сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби маълумотларининг кўрсатишича Ёзёвон ва Олтиариқ туманлари тупроқларининг сингдириш сиғими 100 г. тупроқда 10,34-14,70 мг-экв.ни ташкил этади. Сингдирилган катионлар таркибидаги сингдирилган кальций катионлар умумий йиғиндисидан 42-56% ни, калий 1,16-2,42 % ва сингдирилган натрий миқдори 3,62-4,53 % гача бўлган миқдорларни ташкил этиб бу тупроқларда шўртобланиш аломатлари кузатилмайди.

6. Мазкур таянч хўжаликлари ўтлоқи тупроқларида гипс миқдори 30 см лик ҳайдалма қатламда 6,73-12,30 %, чўл-ўтлоқи тупроқларда 5,31-19,94 % ва ўтлоқи-саз тупроқларида 6,37-19,0 % бўлса амалдаги классификацияга кўра гипслашмаган ( $< 10\%$ ), ҳамда кучсиз гипслашган (10-20%) тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

7. Суғориладиган чўл-ўтлоқи, ўтлоқи ва ўтлоқи-саз тупроқлардаги гумус миқдори билан ғўза ҳосили ўртасида ишончли коррелятив боғлиқлик борлиги, жумладан чўл-ўтлоқи тупроқлар учун коррелятив коэффициент  $+0,79$ , ўтлоқи тупроқлар учун  $+0,89$  ва ўтлоқи-саз тупроқлар учун  $+0,81$  ни ташкил этиш кузатилади.

8. Марказий Фарғонанинг аллювиал-пролювиал ётқизикларида шаклланган “Гулистон” ва “Тонг” массиви суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлик даражаси бўйича ҳисобланган ўртача бонитет балл 42,1 баллни, ўтлоқи-саз тупроқларда 53 баллни ҳамда чўл-ўтлоқи тупроқларда 47 баллни ташкил этиб, чўл минтақасида ўрганилган суғориладиган тупроқлар сифат жиҳатидан ўртача ерлар кадастр гуруҳига мансуб эканлиги кўрсатилади.

9. Қийин мелиорацияланувчи тупроқларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва мунтазам равишда қайта тиклашга қаратилган тадбирларни белгилашда «Фарғона вилояти суғориладиган гипсли ва арзиқли тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсия» қўлланма сифатида хизмат қилади.

10. 1:10000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш карталари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган арзиқли ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, тупроқнинг унумдорлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш ва ҳосилдорлигини белгилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланишда қўшимча маълумот сифатида ишлаб чиқаришда фойдаланишга тавсия этилади.

11. Ёзёвон тумани “Хонобод” массивидаги 1584,0 гектар суғориладиган ерларнинг 1:10000 масштабли тупроқ картаси фермер хўжаликлари эгалигидаги суғориладиган турли даражада шўрланган, гипслашган ва арзиқли тупроқларни хосса ва хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ҳамда муҳофаза қилишлари учун тавсия этилади.

12. Гипсли қатлам ҳайдов (30 см) қатламларида учраса, қаторлар бўйича суғориш, суғоришни қисқа муддатда оз-оз меъёрларда ўтказиш, юқори меъёрда гўнг ва минерал ўғитлар солиш, махсус агротехник тадбирлар қўллаш ва бундай ерларга бошоқли дон экинлари, беда ва жўхори экиш; гипсли қатлам 30-60 см да жойлашган бўлса, махсус агротехник тадбирлардан фойдаланиб, бундай ерларга бошоқли дон экинлари, сабзавотлар, беда, маккажўхори, кунгабоқар ва шу каби экинлар экиш; чуқур гипслашган (юқори чегараси 60 – 100 см) ли тупроқларда ғўза ўсимлигини ҳам етиштириш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И  
АГРОХИМИИ**

**РУЗИЕВА ИНОБАТ ЖУРАЕВНА**

**ОЦЕНКА ПЛОДОРОДИЯ ОРОШАЕМЫХ АРЗЫЧНЫХ ПОЧВ  
(НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**03.00.13-Почвоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.4.PhD/B261.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (НИИПА).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу (www.ziyonet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Кузиев Рамазан</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Юлдашев Гулом</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор Ферганской государственной университет <b>Намозов Хушвакт</b> кандидат биологических наук, профессор Ташкентский аграрный университет
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный университет Узбекистана</b>

Защита состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за №\_\_\_\_\_). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3.Тел. (99871) 246-15-38/

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 г.)

**Н.М.Ибрагимов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.-х.н., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

**М.М.Ташкузиев**

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире из-за таких проблем, как изменение климата и деградация земельных ресурсов, производство продуктов питания и обеспечение их безопасности остаются актуальными. В частности, деградация гипсированных почв является одной из актуальных проблем при возделывании сельскохозяйственных культур. По данным международной организации ФАО, «в мире существуют 186,0 миллион гектара гипсированных почв, они занимают 1,5% мирового почвенного покрова»<sup>1</sup>. По этой причине, определение почвенных свойств, улучшение эколого-мелиоративного состояния путем оценки плодородия гипсированных и арзычных почв, снижение воздействия деградационных процессов, восстановление плодородия, с целью эффективного их использования, приобретает важное значение.

В мире проводятся научные исследования по ряду приоритетным направлениям по улучшению эколого-мелиоративного состояния почв, предотвращению деградационных процессов, снижению их последствий, восстановлению и повышению почвенного плодородия. В этом плане уделяется особое внимание научно-исследовательским работам, направленным на определение трудномелиорируемых почв, прогнозированию аккумуляции гипса и арзыка в почвенном профиле и степени их влияния на растения, составление картограммы гипсированности почв, усовершенствованию технологий, направленных на улучшение мелиоративного состояния почв.

Проводятся широкомасштабные научные исследования и достигнуты определенные результаты по определению генезиса, закономерностей географического распространения арзычных и гипсированных почв на орошаемых сельскохозяйственных землях республики, улучшению агрохимических, агрофизических свойств, а также почвенно-мелиоративных условий и производственной способности почв, с целью сохранения, воспроизводства, повышения и управления их плодородия. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены важные задачи по «...дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, развитию сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкому внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»<sup>2</sup>. По этой причине на сегодняшний день, разработка и внедрение современных агротехнологий, направленных на определение свойств, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния, воспроизводство плодородия неплодородных, трудномелиорируемых арзычных и гипсированных почв, приобретает важное значение.

Результаты диссертационной работы в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

